Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2014 йил 21 ноябрь ● № 47 (1016)

*Ислоҳот одимлари*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АФЗАЛЛИГИ

**Бугунги кунда республикамизнинг қайси бир тиббиёт муассасасига бормайлик, у ерда инсон саломатлиги учун яратилган шароит ва имкониятлар, айниқса, замонавий аппаратураларнинг мавжудлиги ҳеч биримизни эътиборсиз қолдирмайди.**

Куни кеча мамлакатимизда ўз ишига якун ясаган Ўзбекистон педиатрларининг VII съездида иштирок этган хорижлик меҳмонлар ҳам бугунги кунда ўз нуфузига эга бўлиб бораётган тиббиёт муассасаларига ташриф буюриб, у ердаги операция жараёнлари билан танишиш чоғида амалга оширилаётган ноёб ва мураккаб амалиётлар энг сўнгги русумдаги аппаратураларда юқори малакали мутахассисларимиз томонидан бажарилаётганлигини кўриб, юртимиз тиббиётига юқори баҳо бердилар.



– *Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари бўлими 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, беморларга 2 нафар шифокор ва 9 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Албатта мазкур касалликларнинг олдини олиш ва даволашда ўзига хос тиббий усулларни қўллаш мутахассисдан катта масъулият ва ҳушёрлик талаб этади. Айниқса, бундай касалликларнинг мавсумийликка хослиги шундаки, хасталикни ўз вақтида даволамаса ундан оғир асоратлар келиб чиқади. Вилоятимиз аҳолисини ихтисослаштирилган ҳолатда даволаш мақсадида жорий йилда марказимизга Жанубий Кореянинг «MedSTAR» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ЛОР комбайни олинди. Ушбу аппарат эндоскопик ва микроскопик ҳамда мониторлар билан жиҳозланган бўлиб, аниқ ва сифатли ташхис қўйиш билан бирга имконияти жуда кенг. Унда эндоскопик ринохирургия амалиётини ҳам ўтказиб келмоқдамиз. Шунингдек, ушбу мослама монитордаги тасвирни 8 мартага катталаштириш хусусиятига эга. Эндоскопия усули орқали бурун ёндош бўшлиқлари сурункали касалликларида жарроҳлик операциясини ҳам амалга оширмоқдамиз. Шу билан бирга, қулоқ сурункали яллиғланиш асоратлари бўйича жарроҳлик амалиётлари ҳам қўлланилмоқда,* – **дейди Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази оториноларинголог-шифокори Улуғбек Собиров.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган сурат.**

*Жараён*

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – МУҲОФАЗАДА



***Навоий вилояти Кармана туманидаги Ибн Сино номли қишлоқ врачлик пункти “Саломатлик-1-2” лойиҳалари асосида замонавий лаборатория ускуналари, зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган.***

Қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 13 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шифокор ва ҳамширалар даволаш-профилактика чора-тадбирларидан ташқари маҳалла ва таълим масканларида соғлом турмуш тарзи, тиббий маданият, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини ҳам изчил йўлга қўйган.

Шунингдек, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишда қишлоқ врачлик пункти ходимлари билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда кенг жамоатчилик ҳам ҳамкорликда фаол иштирок этмоқдалар.

Бу ердаги фитобарда турли табиий гиёҳлардан шифобахш дамламалар тайёрланади. Бундан ташқари дорихонанинг ҳам ишлаб турганлиги аҳоли учун катта қулайликлар яратмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** *Ибн Сино номли қишлоқ врачлик пункти фаолиятидан лавҳалар.*

**Сирож АСЛОНОВ олган суратлар. (ЎзА).**







*Таҳлил ва хулоса*

# ФАОЛИЯТДА ИЖРО НАЗОРАТИ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ МУҲИМ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 700-сонли Қарорига асосан, соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари мутахассисларининг малакаси ҳамда касбий тайёргарлиги даражасини доимий равишда ошириб бориш тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 401-буйруғига биноан, жорий йилнинг 10-15 ноябрь кунлари “Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси ходимлари, ҳайъат котибалари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ҳуқуқшунослари иштирокида семинар ташкил этиш ва Назорат инспекцияси ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳақида” ўқув-семинари бўлиб ўтди.***





2014 йил 10-15 ноябрь кунлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича бўлим бошлиқлари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Шунингдек, 11 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ҳайъат котибалари ва ҳуқуқшунослари учун навбатдаги семинар ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси ходимлари малакасини ошириш бўйича ўтказилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Сайдмурод Сайдалиев иштирок этиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар, шу билан бирга соҳага оид чиқарилаётган Президентимиз ва ҳукуматимиз қарорлари ҳамда қонунларнинг ижроси хусусида тўхталиб, бу борада фаолиятларни тўғри ва изчил юритишда Назорат инспекцияси ходимларининг ўрни алоҳида бўлиши кераклигини таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сонли тартибини ва меҳнат қонунчилиги моҳиятини тушунтириш билан бирга унинг амалдаги ижросини ўз вақтида назорат қилиш назорат инспекцияси ходимларининг олдида турган ўта муҳим вазифалардан бири эканлигига алоҳида урғу қаратди.

Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси бошлиғи Абдушукур Содиқов Республика тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган фаолиятлардаги самарали натижалар хусусида тўхталиб, айрим шифо масканларида юқорида айтиб ўтилган қонун ва қарорлар ижроси бўйича камчиликларга йўл қўйилаётганлигини эътироз билан таъкидлади.

Семинар иштирокчилари 5 кун давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан долзарб мавзулар бўйича маърузалар тингладилар. Жумладан, назорат инспекциясининг фаолиятининг асосий йўналиши: муаммо ва ечимлар, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш, режалаштириш ва истиқболни аниқлашдаги муҳим масалалар, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида бартараф этиш йўллари ва чоралари, вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги 451-сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори, тизимда пуллик ва сервис хизмат кўрсатиш қоидалари, назорат инспекцияси Тошкент ва Фарғона вилоятлари бўлимлари томонидан ўтказилаётган текширишларда аниқланган асосий камчилик ва хатоликлар ва уни бартараф қилиш механизмлари, тизимдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ва бу борада аниқланаётган муаммолар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли қарорига мувофиқ эксперимент тартибида патронаж ҳамширалари ишини рейтинг тизимида баҳолаш натижалари тўғрисида, шунингдек вазирликнинг ҳайъат низоми ҳақида, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларидаги ҳайъат ҳужжатларининг ҳолати ва бир қанча муҳим масалалар доирасида ўзаро фикрлар алмашилди.

Кенг аудиторияда ўтказилган ушбу семинарда тиббиёт муассасаларида меъёрий ҳужжатларни тўғри юритмаслик, фаолиятга совуққонлик билан қараш, хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишда эътиборсизликка йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди. Семинарнинг яна бир аҳамиятли томони шунда бўлдики, вазирлик назорат инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг йиллик ҳисоботлари тингланиб, масалага танқидий нуқтаи назардан ёндашилиб, чуқур муҳокама қилинди. Эшитилган таҳлилий натижалар асосида ҳудудий бўлинма бошлиқларига 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим топшириқлар берилиб, хусусан, тиббиёт муассасаларида йўл қўйилаётган таъмагирлик, коррупцияга қарши кураш, касбга лоқайдлик, суиистеъмолчилик, хизмат вазифасидан ғайриқонуний фойдаланиш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида маблағлардан оқилона фойдаланиш масалаларини қатъий назорат остига олиш каби вазифалар юклатилиб, муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Семинар сўнгида иштирокчилар лавозимга лойиқлик бўйича аттестациядан ўтказилдилар.

**Шунингдек, 11 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ҳайъат котибалари ва ҳуқуқшунослари иштирокида ҳам навбатдаги семинар бўлиб ўтди.** Семинарни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси бошлиғи Абдушукур Содиқов кириш сўзи билан очиб, мазкур жараёнда иш юритиш ҳайъат котибалари ҳамда ҳуқуқшунослардан ўз фаолиятларига жиддий ёндашув муҳимлигини таъкидлаган ҳолда мазкур йўналишда ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини айтиб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган Соғлиқни сақлаш вазирлигини ҳайъати ҳақидаги низоми, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларидаги ҳайъат ҳужжатларининг ҳолати, шунингдек ижро интизоми мониторингини олиб бориш тўғрисида вазирлик етакчи мутахассиси Дилфуза Комилова, фуқаролар ўртасида шартномавий муносабатлар ва меҳнат қонунчилиги бўйича вазирликнинг Кадрлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Темур Ҳакимов ҳамда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларига оид қонуний ва белгиловчи ҳужжатларга амал қилиш тўғрисида вазирликнинг бош юрист-консульти Руслан Муҳаммадиевлар семинар иштирокчиларига тўлиқ маълумот бериб ўтдилар. Мазкур семинарда таъкидлаб ўтилган масалаларга чуқур ёндашадиган бўлсак, ҳайъат котибаси ишининг масъуллик томонлари кўплигини англаб етиш қийин эмас. Чунки, кенг аудиторияда ўтказиладиган коллегияларда кўриладиган асосий масалалар ҳайъат котибасининг диққат марказида бўлиб, коллегия сўнгида қабул қилинган қарорлар ижросини жойларга етказиш ва унинг назоратини олиб бориш ҳам осон эмас. Бу албатта, улардан эътибор, масъулият ва жиддий ёндашувни талаб этади. Шундай экан, мазкур семинарда улар олдидаги муҳим вазифалар ва келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Мазкур семинарда иштирок этган ҳуқуқшунослар ҳам тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган фаолиятларни қонуний томондан мувофиқлаштириб бориш, айниқса тизимда юритилаётган меъёрий ҳужжатларни ҳар томонлама назоратга олишлари улар олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари томонидан алоҳида қайд этилди.



Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, давлат бошқаруви органлари фаолияти асосан қонунчилик доирасида амалга оширилади. Албатта, бунда ҳуқуқшуносларнинг ўрни алоҳида бўлиб, қонунлар ижросини таъминлашда холисона ёндашган ҳолда иш юритишлари ҳамда мавжуд хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишлари лозимлиги ҳам семинар давомида айтиб ўтилди.

**Хулоса қилиб айтганда, юртимизда қонун устуворлиги барчамиз учун баробар бўлиб, ҳамжиҳатликда иш олиб бориш бугунги давр талабига айланаётганлиги сир эмас. Шундай экан, ўз вақтида олиб борилган қатъий назорат, қолаверса жавобгарлик ҳисси юртимизда амалга оширилаётган ишлар сифатини ошириш баробарида жамиятимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Форум

# АХБОРОТ СОҲАСИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

## ва рақобат шароитида ОАВ эркинлигини мустаҳкамлаш масалалари

***Мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидагиислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳар бир шахснинг ахборот олиш, ахборот ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлиги демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти бўлиб қолди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар экан, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабати ҳамда позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Жамиятда ОАВнинг ўрни, бекиёс имкониятлари, фаолияти ва келажакдаги мақсадлари давлатимиз раҳбари асарлари ва қатор маърузаларида теран ёритилган. Шу маънода 18 ноябрь куни пойтахтимизда ўтказилган **“Ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат шароитида ОАВ эркинлигини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари**” мавзуидаги халқаро илмий-амалий семинарда ҳам соҳа олдида турган устувор вазифалар, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги фаолиятлар атрофлича таҳлил қилинди.

Форумни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев ва бошқалар кириш сўзи билан очиб, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги, хусусан, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ва ушбу вазифани амалга ошириш учун “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларини қабул қилиш бугун долзарб аҳамият касб этаётганлигига алоҳида урғу берди.



*– Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади,* – **дейди маърузачи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Нуриддин Муротов.**

Куннинг иккинчи ярмида ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларини кенгайтириш – уларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш масалаларида ҳам сўз юритилди. Маҳаллий маърузачилар ва хорижлик мутахассислар асосий эътиборни ОАВга қўшимча преференцияларни яратиш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришнинг ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирларини амалга ошириш каби масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашишди. Ўзбекистон ва хориж тажрибаси таққослаб кўрсатилди. Янги қонун лойиҳаларида кўзда тутилган мақсад-вазифалар хусусида хорижлик экспертларнинг хулосалари олинди. Семинарда электрон ҳукумат тизимини муваффақиятли амалга ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди.

# МИЛЛИЙ МАТБУОТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Жорий йилнинг 19-20 ноябрь кунлари медиа соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш ва такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон матбуоти” IV миллий форуми ва кўргазмаси ташкил этилди.***



Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У. Муҳаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х. Мирзоҳидов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев ва бошқалар кириш сўзи билан очиб, юртимизда миллий ахборот соҳаси давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш каби эзгу мақсадлар мужассам эканини алоҳида қайд этдилар.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарори орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналарига берилган солиқ имтиёзи натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарнинг ўзида жами 7,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги модернизация ишлари амалга оширилди. 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробарга камайтирилди. Натижада бугунги кунга келиб оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1387 тага (691 таси газета, 285 таси журнал, 15 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 66 таси телевидение, 33 таси радио, 293 таси веб-сайтлар), матбаа корхоналари 1819 тага, нашриётлар сони 108 тага етди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг янги босқичини бошлаш, давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштириш бўйича устувор вазифалар, миллий медиа маконни модернизация қилишнинг замонавий тенденцияларини белгилаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Форумда нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш – ахборот соҳасини демократлаштириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш, ахборот соҳасини либераллаштириш, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини ривожлантириш – улар мустақиллиги ва эркинлигининг энг муҳим шарти каби



қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

**Шунингдек, “Ўзэкспомарказ”да “Ўзбекистон матбуоти” IV миллий кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.**

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, юксак маънавиятли авлодни вояга етказиш, ёшларни турли ахборот хуружларидан ишончли ҳимоялаш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

“Ўзбекистон матбуоти” IV миллий кўргазмасида мамлакатимизнинг етакчи даврий босма нашрлари, ахборот агентликлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқлар намойиш этилди. Бу йилги кўргазмада марказий ҳамда ҳудудлардаги ёшлар даврий нашрларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўргазма доирасида “Соғлом бола йили” Давлат дастурига асосан нашр этилган болалар адабиёти кўргазмаси ҳам ташкил этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди.

**Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилади.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

### Соғлом турмуш тарзи

# МАҚСАДИМИЗ — АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

***Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват, руҳан тетик, интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқараш эгалари бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида юртимизда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Инсон саломатлиги тўғрисида доимий ғамхўрлик – кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим қисмидир”.***





Шундай экан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятларни янада изчиллик билан давом эттиришда “Соғлом бола йили” Давлат дастури, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид Давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2014 йил 1 августдаги 2221-сонли “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорлари бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институтимиз ва унинг жойлардаги вилоят филиаллари, туман (шаҳар) саломатлик марказлари ходимлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда ўзлари яшаб турган ҳудуд аҳолисига турли мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар, яъни:

- *соғлом турмуш тарзини шакллантириш;*
- *аҳоли ўртасида тиббий ва экологик маданиятни ошириш;*
- *одам савдосидан огоҳ бўлинг;*
- *компьютер, интернет, уяли алоқа телефонидан меъёрида фойдаланиш;*
- *ўсмир қизлар ва йигитларни оилага тайёрлаш;*
- *никоҳдан ўтаётган ёшларга тиббий кўрикнинг моҳияти;*
- *ботулизм ва унинг олдини олиш;*
- *қутуриш касаллиги ва унинг салбий оқибатлари;*
- *ўткир респиратор касалликлари ва уларнинг олдини олиш;*
- *вирусли гепатит А ва унинг олдини олиш.*

Юқорида келтирилган мавзулар бўйича аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, унда 3 миллионга яқин тадбирлар уюштирилди ва 21 миллиондан ортиқ фуқаролар иштирок этдилар.

**“Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида институтимиз ходимлари томонидан қуйидаги мавзуларга оид тайёрланган материаллар аҳоли кенг қатламига тарқатилди:**

- *мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари учун соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича (қўлланма);*
- *огоҳ бўлинг, одам савдоси (буклетлар);*
- *қандли диабетда овқатланиш;*
- *қандли диабет касаллиги ҳақида;*
- *эрта никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида биласизми;*
- *овқатдан заҳарланиш;*
- *қўшимча овқатланиш талаблари;*
- *она сутининг бебаҳолиги.*

Шунингдек, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида “Зумрадойлар даврасиˮ тўгараклари учун ҳам қўлланмалар тарқатилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида узлуксиз тарзда ўтказиб келинаётган ҳар ойнинг 1-ҳафтасида республикамизда “Соғломлаштириш ҳафталиклари”да институтимиз ходимлари вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, ДСЭНМ, фтизиатр, скрининг марказлари ҳамда Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиаллари ходимлари ҳамкорлигида маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида долзарб мавзуларда маърузалар қилиниб, видеофильмлар намойиш этилмоқда. Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари орқали (телевидение, радио, газета ва журналлар) махсус кўрсатув, радиоэшиттиришлар ва мақолалар чоп этилмоқда. Ундан ташқари, аҳоли орасида турли касалликлар оид чиқарилган буклет, плакат ва услубий қўлланмаларни бепул тарқатилмоқда.

Жорий йилда республика тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида статистика йўналиши ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича Навоий, Бухоро, Жиззах, Тошкент вилоятларида 243 нафар врачлар сайёр цикли орқали ўз жойларида ўқитилди. Кўпгина врачларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олган ҳолда институтимизда 72 соатлик ўқув цикли ташкил этилиб, у 2 та йўналишда олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш тиббий статистикага оид, иккинчи йўналиш эса соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Ҳар бир тингловчи ўқиш жараёни давомида институт мутахассислари ёрдамида тиббий ҳисобот шакллари билан танишиб, уларни тузиш ва таҳлил қилиш бўйича ўз билим ҳамда малакаларини ошириб бормоқдалар.

**Мамлакатимизда олиб борилган профилактик тадбирлар албатта ўз самарасини бериб, охирги 10 йил ичида қуйидаги ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланмоқда:**

- *оналар ўлими 3 маротабага;*
- *болалар ўлими ҳам 3 маротабага камайди;*
- *болалар ўртасида учрайдиган (қизамиқ, шол, бўғма, кўкйўтал) касалликлар кескин камаймоқда;*
- *умр давомийлиги эса 67 ёшдан, аёлларда 75 ёшгача, эркакларда эса 73 ёшгача етди.*

Юқоридаги фикрлар бугунги кунда тиббиёт тизимида олиб борилаётган ишларнинг ёрқин ифодаси бўлиб, мамлакатимиздаги кўп сонли фидойи тиббиёт ходимларининг самарали меҳнатлари натижасида Ўзбекистон тиббиёти жаҳонга юз тутмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон педиатрларининг VII съездида ҳам кўпгина хорижий давлатлардан ташриф буюрган халқаро эксперт, олим ва соҳа мутахассислари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қолаверса барча йўналишларда эришилаётган ютуқларимиз ҳамда республикамиз тиббиёт муассасаларида энг сўнгги русумдаги замонавий аппаратуралар малакали мутахассислар томонидан ноёб ва мураккаб операция жараёнларини амалга оширилаётганликларини кўриб, юқори баҳоладилар. Демак, бундай эътирофли фикрлар юртимиз тиббиёти янада равнақ топиб бораётганлигидан далолатдир.

**Шундай экан, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта. У ҳам бўлса инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигидир. Бунинг учун тиббиёт ходимлари билан биргаликда кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаро соғлом турмуш тарзига амал қилсагина, кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.**

**Зулхумор МУТАЛОВА,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.**

### За здоровый образ жизни

# ПРОФИЛАКТИКА ДИАБЕТА

***С каждым годом в мире людей, болеющих сахарным диабетом, становится всё больше и больше. В Узбекистане этой проблеме уделяется большое внимание.***





15 ноября в Ташкентской области на базе Областного эндокринологического диспансера было осмотрено 158 пациентов, входящих в группу риска, на диабет 2 типа. Осмотр включал определение гликемии до и через 2 часа после еды; проведение глюкозотолерантного теста, ЭКГ, осмотр специалистов (офтальмолога, эндокринолога, кардиолога, подиатриста) и исследование в моче содержания уровня микроальбуминурии и гликемии.

Результаты проведенных исследований показали, что вновь выявленный сахарный диабет 2 типа был у 23 человек. Все больные взяты на диспансерный учет и им назначена соответствующая терапия.

Эти данные ещё раз подтверждают необходимость выявления среди населения лиц, входящих в группу риска на диабет и усиление информированности населения о профилактике диабета, а также ведении здорового образа жизни, особенно среди молодёжи.

Проведенные семинары для ВОП первичного звена (СВП) повысят уровень квалификации врачей ВОП и СВП по вопросам профилактики, ранней диагностики и лечения диабета, что, в свою очередь, снизит инвалидность и смертность по этому заболеванию.

**Нилуфар ИБРАГИМОВА,**
**главный педиатр-эндокринолог МЗ Руз, кандидат медицинских наук.**

Спорт

# СПОРТ, КАК ЧАСТЬ РАЗВИТИЯ ДЕТСКОГО ОРГАНИЗМА

**Все родители хотят, чтобы их дети росли здоровыми. Есть масса различных способов укрепить здоровье растущего организма: сбалансированная система питания, прогулки на свежем воздухе, комплексы витаминов и всевозможные методы закалки. Но этот перечень будет неполным без упоминания о занятиях спортом. Вопрос о том, какой вид спорта будет наиболее подходящим для ребёнка, рано или поздно встаёт перед любыми родителями, следящими за его гармоничным развитием. Речь не идёт сейчас о родителях, которые видят в своём ребёнке будущего олимпийского чемпиона, а о тех, которые признают, что спорт способствует полноценному развитию здоровой личности.**

Выбирая вид спорта для ребёнка, стоит учитывать множество разных нюансов. Дети должны заниматься тем спортом, который им нравится, иначе это не пойдёт им на пользу: ребёнка придётся каждый раз принуждать к занятию спортом, а это не сочетается со здоровым развитием. Также выбранный вид спорта не должен переутомлять ребёнка, ведь цель занятия спортом – укрепить его организм, а не наоборот. Лёгкие нагрузки помогут ребёнку истратить нужное количество энергии, но при этом оставаться бодрым и внимательным. Да и то, что физические нагрузки улучшают детский сон и аппетит, также общеизвестный факт.

Но иногда родители могут столкнуться с такой ситуацией, когда ребёнок не проявляет интереса к спорту. В этом случае вас могут выручить игрушки, исполненные в спортивной тематике. Ребёнок начнёт с игр, а затем заинтересуется самим спортом.

В последнее время детям больше интересны разные стильные тачки, игрушки или куклы, выглядящие как модели. Но спортивные игрушки ничуть не уступают им в дизайне.

Существует большое количество спортивных игр, которые одновременно могут быть увлекательными и давать ребёнку необходимую физическую нагрузку. Предпочтение в этом случае лучше отдавать тем игрушкам, с которыми можно играть на свежем воздухе. Ведь если, к примеру, ребёнок будет играть в компьютерную игру на



спортивную тему, то это отразится на его здоровье отрицательно. Поэтому стоит подбирать игры тщательно, учитывая потребности детского организма и индивидуальные особенности ребёнка.

Лучше всего, чтобы родители прививали ребёнку интерес к спорту своим примером и выбирали время для спортивных игр всей семьёй, потому что образ жизни ребёнка – это прямое отражение образа жизни родителей.

**ДЕТИ И ЗДОРОВЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ**

Все мы прекрасно понимаем всю важность ведения здорового образа жизни. Но одного понимания недостаточно, важно самим соблюдать его и показывать личный пример своим детям.

Важность здорового образа жизни трудно переоценить. Но как привить его ребенку, когда вокруг столько соблазнов, а переходный возраст так и норовит противопоставить свое "Я" обществу? Конечно, легче всего детей обучать на собственном примере. Ведь если в семье никто никогда не курил, то и у ребенка не возникает такого желания в большинстве случаев, если при



